27 ОКТ 1987

1917 1987

Хош келдиңиз, Қарақалпақстанлы дослар!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 237 (6. 428) 1987 йил 19 октябрь, душанба Баҳоси 3 тийин

Бугун пойтахтимиз Тошкентда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари очилади. Дўстлик тантанаси қатнашчиларига алангали салом!

Ягона сафда Улуғ Октябрь қуёши остида

А. ГОНЧАРОВА,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Улуғ Октябрь туфайли дунёга келган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳаёти инқилобдан олдинги даврдан тун билан кундек, зулмат билан нурдек фарқ қилади. Албатта, у вақтлар ҳозир бизга узоқ ўтмиш бўлиб туюлади, чунки бизнинг давримизда оғир феодал истибдоди ва капитал зулми остидаги ўлка ҳаётининг машаққатли жанжараларини кўз олдимизга келтириш қийин.

Ўзбек халқи феодализмдан социализм сари дадил қадам ташлаб, буюк Советлар мамлакатининг тенг ҳуқуқли ўн беш қардош иттифоқчи республикаларидан бирини ташкил этди.

Мамлакатимиз халқларининг қувончлари ҳам, ташвишлари ҳам бир эканлиги социализмнинг объектив қонуниятларидан ҳисобланади. 1966 йил баҳорида табиий офат—зилзила туфайли Тошкент бошига тушган оғир кунларни эслашнинг ўзи кифоя. Ўзбекистон пойтахтига ёрдам бериш учун мамлакатимизнинг барча чекка-ларидан дўстларимиз етиб келишгани ҳаммага маълум.

Бир вақтлар ташқи дунёдан деярли ажралиб қолган республика ҳозир халқаро майдонда тобора кенгроқ ўрин эгаллаб бормоқда. Унинг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида яхши биладилар. Ўзбекистоннинг энг яхши мутахассислари ва олимлари ер юзидаги ривожланаётган ёш мамлакатлар халқларига ўз тажриба ва билимларини ўргатмоқдалар, малакали кадрлар тайёрлашда уларга ёрдам бермоқдалар. Бошқалар қатори Ўзбекистон кўпгина халқаро жамоат ташкилотларини ишида қатнашмоқда. Энг яхши ёзувчиларимиз, артист ва рассомларимизнинг номи Совет Ўзбекистони ташқарисида ҳам кўпчиликка таниш.

Республикамиз турмушнинг барча соҳаларида эришаётган ютуқларда аҳил ишлаётган ҳамма халқлар ва элатлар умуммеҳнатининг ҳиссаси салмоқлидир. Совет Қорақалпоғистони республикамиз сафдошларига катта ҳисса қўшаётганини биз яхши биламиз. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Чунки Қорақалпоғистон АССР заминида фойдали қазилма бойликлар жуда кўп, унинг халқ талантлари бундан юз чандон ортиқдир. Ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва ёзувчилар, артистлар ва рассомларнинг фидокорона меҳнати туфайли бугунги Қорақалпоғистон юксак даражада ривожланган аграр комплексга, кўп тармоқли саноатга эга бўлган республикага айланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Нукус давлат университети ва бошқа илмий муассасаларнинг сонунум фаолияти ҳаммага яхши маълум.

Бугун, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида, қайта қуриш учун кураш шароитида бизнинг бирлигимиз ва дўстлигимиз зарурлигига эҳтиёж айниқса яққол сезилмоқда. Фақат биргаликда, ягона сафда туриб, қийинчиликларни енгиш, жамиятимиз барча соҳаларидаги инқилобий янгиланишнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш мумкин.

Пойтахт меҳнаткашлари Қорақалпоғистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамбли, «Гулзор» эстрада вокал-хореографик ансамбли, Бердақ номидаги Давлат филармониясининг «Аму тўлқини» ансамбли концертларини, автоном республика адабиёти ва санъати арбоблари билан бўладиган учрашувларни орзиқиб кутмоқдалар.

Музейларимиз, концерт ва кўргазма залларимиз, энг яхши маданият саройлари, театрларимиз ижодий лабораторияларга айланади. Ишончимиз комилки, бу жойларда санъат асарлари намойиш этилибгина қолмай қизиқарли ва янги ғояларга тўла самарали фикр алмашувлар ҳам бўлади.

Яна шунга ишончимиз комилки, меҳнат коллективларидаги иш тажрибаларини алмашиш қайта қуришга, Ўзбекистон ва бутун мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда бутун мамлакатимиз каби Тошкент ҳам Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган юбилей меҳнат вахтаси руҳи билан яшамоқда. Барча меҳнат коллективларининг куч-ғайрати 1987 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин ва сўзсиз бажаришга, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу ҳал қилувчи кунларда дўстларнинг бир оғиз илиқ сўзи ва амалий мадади ҳар қачонгидан муҳим ва қимматлидир.

Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Улуғ Октябрь қуёши остида

М. АРАЛБАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг секретари.

Тошкентда қорақалпоқ маданияти кунлари кўп миллатли мамлакатимизнинг умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллиги арафасида ўтмоқда. Дўстлик ва қардошлик тантаналари Ватанимиз юбилейи зиёси билан нурафшон бўлиши табиийдир. Шу нарса равшанки, бизнинг барча ниятларимиз Совет Қорақалпоғистони меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь қуёши остида эришган ютуқларини ёркинроқ намойиш этишдан иборат.

«Аврора» залпи янги давр бошланганидан хабар қилган тарихий лаҳзаларга ча Қорақалпоғистон халқи маънавий жиҳатдан хорузор, жисмонан инқирозга маҳкум бўлган мазлум ўлка эди. Инқилоб кўплаб авлодларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарди, халқнинг ҳуррият ва бахтли турмуш тўғрисидаги эзгу ниятлари ушалди, социалистик экономика ва маданиятнинг юксак чўққилари сари интилиш бошланди.

Бугунги кунда Совет Қорақалпоғистони— юксак ривожланган аграр комплексга ва юздан ортиқ юқори даражада механизациялашган ва автоматлашган саноат корхоналари бўлган кўп тармоқли саноат ишлаб чиқаришига эга республика ҳисобланади. Саноатнинг энергетика, пахта тозалаш, уйсозлик, кабелсозлик, гўшт-сут ва балиқни қайта ишлаш, тўқимачилик, полиграфия ва бошқа тармоқлари тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Кўплаб шоҳобчаларга эга бўлган темир йўл ва автомобиль йўллари автоном республиканы бутун мамлакат билан боғлаган авиация алоқалари кенг кўламда ривожланган.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, рус, ўзбек ва кўп миллатли Ватанимиз бошқа барча халқларининг беғараз ёрдами туфайли қишлоқда жуда катта ўзгаришлар юз берди.

Совет турмуш тарзи ёркин салоҳиятлар йўлини очди, истеъдод эгаларининг равнақ топиши, Совет Иттифоқи барча халқлари маданиятининг ўзаро ёрдами ва ўзаро бойиши учун ҳамма имкониятларни яратиб берди. Қорақалпоқ маданияти чинакамига гуллаб-яшнади.

Инқилобгача аҳолисининг атиги 0,2 процента саводли бўлган ўлкада бугунги кунда ҳар уч кишидан бири билим хазинасидан баҳраманд бўлмоқда. Автоном республика халқ хўжалигида 75 мингдан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Нукус давлат университети ва 10 дан зиёд илмий муассасалар самарали иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда иккита профессионал театр, иккита концерт коллективи, иккита давлат музейи, 486 та кутубхона, 201 та клуб, 500 дан ортиқ кинотеатр ва стационар, кино установкалар автоном республика меҳнаткашларининг маънавий эҳтиёжини қондириб турибди.

Қорақалпоғистон санъат арбобларининг истеъдоди ва маҳорати автоном республика ташқарисида донг тараганига анча бўлди. Москва Бошқирдистон, Татаристон АССРда, Доғистонда, Қозоғистон ССРнинг Қизил Ўрда областида Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати кунлари муваффақиятли ўтди. Яқингинада эса Қорақалпоғистон Давлат ашула ва рақс ансамбли Корея Халқ Демократия Республикасида мамлакатимиз санъатининг муносиб вакили сифатида сафарда бўлди. Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган Халқаро вокалистлар конкурсида якка-хон қўшиқчимиз Максет Хўжаниёзов эришган ютуқ билан халқ ёзувчиси Тулепберган Каипбергеновга «Қорақалпоқ достони» тарихий трилогияси учун СССР Давлат мукофоти берилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳаваскорлик санъати катта ютуқларга эришди. Автоном республика меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти Бутуниттифоқ II фестивалида фаол қатнашгани бунинг ёркин далили бўлди. Фестиваль доирасида ўнлаб йирик кўрик ва конкурслар ўтказилди, ғолиблар Ўзбекистон пойтахтида ўтган якунловчи кўрикда халқимиз санъатини муносиб равишда намойиш қилдилар, «Арулар» фольклор ва Аллашукуровлар оилавий ансамблари Москвада фестивалнинг якунловчи концертларида қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар.

Қорақалпоғистон экономикаси ва социал тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиши бу ғамхўрликнинг юксак ифодаси бўлди. Қарорда автоном республика яқин йиллар ичида эришиши зарур бўлган янги юксак марралар кўзда тутилган. Бу эътибор, бу ғамхўрлик Қорақалпоғистон меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорларини амалга ошириш борасида янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

Автоном республика бугунги кунда олий мақсади бутун совет халқи турмушини яхшилаш ҳисобланган қайта қуриш маршида одим ташламоқда. Бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги хўжалик механизмини тадбиқ қилиб, юксак пировард натижаларга, барча мавжуд резервларни ҳаракатга келтириш учун интилиш — бугунги кунда область партия ташкилоти ҳал қилаётган масалалар ана шулардан иборат. Бу борада демократияни ҳар томонлама кенгайтириш, кенг ва тўла ошкоралик муҳитини ҳамма жойда қарор топтириш, бир сўз билан айтганда инсон омилини батамом ишга солиш муваффақиятлар калити ҳисобланади.

Замонавий тараққиётнинг бу магистрал йўлида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва область партия комитетининг IV пленумларида таъкидлаб ўтилган турғунлик ҳолати ва ўтмиш сарқитларига, салбий омилларга қарши кураш муҳим вазифамиздир.

Уч орденли Совет Қорақалпоғистони меҳнаткашлари партиянинг жамиятни революцион қайта қуриш ғояларини астойдил қабул қилиб, коммунистик қурилишда янги ютуқларга эришишга ва меҳнат ташаббускорлигини кўрсатишга азму-қарор қилгандирлар.

Замондошимиз



МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Кийим-кечак харид қилаётганда биринчи галда унинг тикилишига, ҳозирги даврга қанчалик мослигига, қисқаси бежиримлигига ва кўркамлигига эътибор берасиз, шундай эмасми! Ҳар ким ўзига ёққанини танлайди. Айниқса, ҳушбичим, янги модали кийимни учратиб қолишса харидорлар уни севиб олишади. Мана шундай пайтларда улар: «Бунн тиккан чеварларга раҳмат» дейишади. Республика модалар уйида ўз касбига меҳр қўйган, доимо харидорларни ўйлайдиган, уларга қувонч бахш этишга интилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири — тикувчи-мотористка Анна Юрьевна Савоськинадир.

Анна ўз ишига масъулият билан ёндошади. У коммунист бўлгани учун ҳам ўз зиммасидаги масъулиятни бошқалардан кўра кўпроқ ҳис этади. Мана беш йил бўляптики, у модалар уйининг эксперименталь цехида ишлаб келяпти. Бу ерда ишлашнинг, малакасини ва маданий ҳаётидаги бу ранг-баранг, улкан ютуқлар партия ва ҳукуматимизнинг бизнинг ўлка тўғрисида кўрсатаётган доимий, ғамхўрлиги, кўпмиллатли Ватанимиз барча халқларининг оғаларча ёрдами туфайли қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қорақалпоғистон АССР экономикаси ва социал тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиши бу ғамхўрликнинг юксак ифодаси бўлди. Қарорда автоном республика яқин йиллар ичида эришиши зарур бўлган янги юксак марралар кўзда тутилган. Бу эътибор, бу ғамхўрлик Қорақалпоғистон меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорларини амалга ошириш борасида янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда.

Автоном республика бугунги кунда олий мақсади бутун совет халқи турмушини яхшилаш ҳисобланган қайта қуриш маршида одим ташламоқда. Бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги хўжалик механизмини тадбиқ қилиб, юксак пировард натижаларга, барча мавжуд резервларни ҳаракатга келтириш учун интилиш — бугунги кунда область партия ташкилоти ҳал қилаётган масалалар ана шулардан иборат. Бу борада демократияни ҳар томонлама кенгайтириш, кенг ва тўла ошкоралик муҳитини ҳамма жойда қарор топтириш, бир сўз билан айтганда инсон омилини батамом ишга солиш муваффақиятлар калити ҳисобланади.

Замонавий тараққиётнинг бу магистрал йўлида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва область партия комитетининг IV пленумларида таъкидлаб ўтилган турғунлик ҳолати ва ўтмиш сарқитларига, салбий омилларга қарши кураш муҳим вазифамиздир.

Уч орденли Совет Қорақалпоғистони меҳнаткашлари партиянинг жамиятни революцион қайта қуриш ғояларини астойдил қабул қилиб, коммунистик қурилишда янги ютуқларга эришишга ва меҳнат ташаббускорлигини кўрсатишга азму-қарор қилгандирлар.

Мураббий-тикувчи ўз меҳнатидан чинакамига завқ олади. Бу иш унинг учун севимли, қизиқарли, бир сўз билан айтганда унинг жон-дили! Улуғ Октябрь юбилейи шарафига ҳар куни топшириқни 140—150 процентдан бажаряпти.

СУРАТДА: А. Савоськина.

Р. Шарипов фотоси.



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	1,26	66,14
Бухоро	2,43	57,98
Сурхондарё	2,72	53,43
ҚҚАССР	1,44	52,24
Тошкент	4,50	46,34
Фарғона	2,58	44,04
Қашқадарё	1,71	38,32
Сирдарё	3,80	36,71
Жиззах	3,69	36,37
Наманган	2,64	33,39
Навоий	2,19	32,65
Андижон	1,91	32,23
Самарқанд	2,06	30,17
Республика бўйича:	2,50	43,22

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

Ҳосилни сақлаб қолиш— комсомол топшириғи

Ҳозир Тошкент область комсомол комитети пахта йиғим-теримига юборган отрядларда ёшларнинг қарийб 14 минг вакили меҳнат қилмоқда. Уларнинг кундалик терган пахтаси районлардаги ўртача кўрсаткичдан 20 процент кўп бўлмоқда. Ҳозир социалистик мусобақада Ангрен ва Паркент отрядлари пешқадамлик қилмоқда. Ангренликларнинг ҳар бири кунига ўртача 72,3 килограмм, паркентликлар эса 70 килограммдан пахта термоқдалар. Мавсум якунларига кўра, энг яхши отряд область комсомол комитетининг соврини — видеомагнитофон билан тақдирланади.

— Биз йигит ва қизларнинг яхши меҳнат қилишлари учун ҳамма зарур шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз, — деди Пскент қўшма отряди штабининг бошлиғи, область комсомол комитетининг секретари Анвар Йўлдошев. — Ҳар куни икки марта иссиқ овқат ташкил этилган, терим мавсуми учун яна бир озиқ-овқат магазини очилди, йигит-қизлар меҳнат қилаётган ҳар бир хўжаликда бу магазиннинг филиаллари ишлаб турибди. Медицина хизмати яхши йўлга қўйилди. Медицина ҳамшираларимедицина олий ўқув юртларини ва билим юртларининг талабалари зарур бўлиб қолган тақдирда дастлабки медицина ёрдами кўрсатишдан ташқари бевосита этак тутиб пахта термоқдалар. Область комсомол комитетининг агитавтобуси ҳар куни далага йўл олади. Область бадиий ҳаваскорлик коллективларн дала шийпонларида концерт қўйиб бермоқдалар, кечқурунлари кўчма кино установкалар келади.

(ЎзТАГ).

Қардошлик байрами

Бугун серқуёш диёримизнинг пойтахти Тошкентда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари бошланди.

Кеча, 18 октябрь куни, эрталаб соат 11 да ҳаво қуши Тошкент аэропортига келиб кўнди. Самолётдан тушган маданият кунлари қатнашчилари — Қорақалпоғистон партия, совет ташкилотлари, адабиёт ва санъат арбоблари, турли ижодий коллективларнинг вакилларини шаҳримиз меҳнаткашлари дўстона кутиб олдилар. Ҳурматли меҳмонларга нон-туз тақдим этилади. Карнай-сурнайларнинг садоси янграйди. Миллий кийимлардаги раққоса қизлар меҳмонларни даврага чорлайдилар.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова бошчилигидаги маданият кунлари қатнашчиларини кутиб олиш шарафига бағишланган митингни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. М. Алиев кириш сўзи билан очади. Митингда Қорақалпоғистон ССР Маданият министри Н. Муҳаммединов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Е. Е. Березиков Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари қатнашчиларини кутиб олиш маросимида, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова ҳозир бўлдилар.

Кеча Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари қатнашчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси экспозициясини кўздан кечирдилар.



Бугун Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари делегацияси аъзолари Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида қабул қилинди. Делегация аъзолари Ўзбекистон ижодий союзларида бўлиб ҳамкасблари билан учрашдилар. ССР халқлари дўстлиги музейида Қорақалпоғистон манзарали-амалий санъати кўргазмаси, «Нукус» кинотеатрида қорақалпоқ фильмлари фестивали очилди.

Газета—газетхон—газета

«ОҚШОМ»НИНГ САЙЁР РЕДАКЦИЯСИ СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДА БЎЛАДИ

Индинга, 21 октябрь чоршанба куни соат 17 дан то соат 19 га қадар Собир Раҳимов район партия комитетида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ҳамда ходимларининг Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтади.

Бу — «Оқшом» редакциялари ходимларининг шаҳримиз районларига олтинчи марта коллектив равишда ташриф буюришидир. Бундан кўзланган асосий мақсад Собир Раҳимов райони меҳнаткашларининг ҳаёти, қайта қуриш жараёни муносабати билан пайдо бўлган муаммо ва ташвишлар, хўжаликни экономикани бошқаришнинг янги усулларига ўтиш, тайёргарлик пайтида дуч келинаётган вазифалар билан янада чуқурроқ ва атрофлича танишишдир.

Собир Раҳимов районида 21 октябрь куни бўладиган учрашув пайтида ҳам район муаммолари хусусида сўз боришига, янги мавзуларнинг айтилишига шак-шубҳа йўқ.

Биз сизларни Собир Раҳимов район партия комитетида бўлдиган учрашувда кутамиз. Унда редакция ходимларидан ташқари район раҳбарлари ҳам иштирок этишади. Учрашувнинг сиртқи қатнашчилари эса 21 октябрь куни 46-74-44, 46-65-01 рақамли телефонлар орқали соат 11 дан то соат 17 га қадар (тушки танаффус соат 13 дан соат 14 гача) қўнғироқ қилишлари мумкин.

Яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: учрашув Собир Раҳимов район партия комитетида соат 17 дан то соат 19 га қадар ўтказилади.

Халққа манзур истеъмол буюмлари кўпайсин

СИФАТ—ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, қолаверса маҳсулот сифати учун кураш бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир. «Енгил ва маҳаллий саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаси ва савдони техника тараққиётининг олдинги марраларига олиб чиқиш ана шу тармоқларни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш вазифаси қўйилмоқда, — деб таъкидланади СССРни ижтимоий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йиллар ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида. — Беш йилликда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни 1,3 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Бу товарларнинг хили анча кўпайтирилади ва сифати яхшиланади».

Дарҳақиқат, шаҳримиздаги кўплаб корхоналарда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундан бешолти йил муқаддам магазин пештахталарида чанг босиб ётган буюмлар эндиликда харидоргир бўлиб қолди. Улар сифат кўрсаткичлари жиҳатидан энг замонавий буюмлардан қолишмайди. Айниқса, шаҳримиздаги чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи тайёрлаётган юздан ортиқ кенг истеъмол буюмлари харидорларга манзур бўлмоқда. Бирлашма мутахассислари тез-тез шаҳримиздаги савдо дўконларида бўлишиб, харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганадилар.

— Харидорлар талаб ва эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш бизнинг асосий вазифамиздир, — дейди бирлашма харидорлар талаб-эҳтиёжларини ўрганиш секторининг инженери Насиба Хантова. — Мен шу ўринда уч йиллик кузатишларимиз натижасида корхонамиз қошида ташкил этилган махсус цех ҳақида тўхталмоқчи эдим. Мазкур цехда келгусида ишлаб чиқаришга жорий этиладиган янги моделларнинг намуналари тайёрланади ва буюмлар ихтисослаштирилган магазинларда сотилади. Харидорлар томонидан тўлдирилган анкеталар эса умумлаштирилади. Демак, энг харидоргир маҳсулотлар кўплаб ишлаб чиқаришга қўйилади. Аксинча харидорларни қониқтирмайдиган маҳсулотлар янги модель билан алмаштирилади. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган 140 дан ортиқ янги модель тақдим этилган бўлса, шундан 20 таси харидорларнинг талабига жавоб бермаганлиги учун ишлаб чиқаришга қўйилмади. Айниқса, ҳар хил рангдаги енгил, ихчам йиғиладиган капрондан тайёрланган сумкалар мижозларга манзур бўлди.

Бугун харидоргир бўлган маҳсулот эртага харидор талабини қондирмай қолиши мумкин. Ҳақиқатдан шундай. Ҳозирги харидорлар жуда талабчанлар. Мода эса жуда тез ўзгариб боряпти. Бунн фақат савдо тармоқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш туфайли бартараф этиш мумкин.

— Шу ўринда яна бир савол туғилади. Шаҳарда ёки район марказларида кам кетадиган маҳсулотларга бошқа жойларда талаб катта бўлиши мумкин-ку!

— Шаҳарда яшайдиган одамга одатда транспортда юришни учун ихчам, қулай сумкалар керак. Аксинча, районларда истиқомат қилувчи аҳолинн каттароқ размердаги, ўта пишиқ рўзғор сумкалари қизиқтиради. Шу сабабли ҳар ойда республикамизнинг ҳамма об. ластларида савдо кўргазмаларн ҳамда харидорлар билан ўзаро мулоқот ўтказиб турилибдн. Унинг натижалари оператив равишда таҳлил этиладн. Бу эса бирлашма коллективига регионлараро маҳсулотларни тўғри тақсимлашга имкон бермоқда. Бунинг бошқа самараси ҳам бор. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рекламация ва эътирозлар сони 40 процент камайди. Бирлашманинг тайёр маҳсулотлар омборида маҳсулотлар йиғилиб қолиши барҳам топди. Ўз навбатида иттифоқдош республикаларда илғор тармоқ корхоналарн иш тажрибаси ҳам вакиллар юбориш тарзида чуқур ўрганилаяпти. Чунончи, Львовдаги чарм-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Прогресс» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, Москвадаги «Большевичка» фабрикасида корхона мутахассислари тез-тез бўлиб туришади. Уларнинг асосий мақсади харидорларнинг ўсиб келаётган талаб ва эҳтиёжини тўла қондиришдан иборат...

Шу кун талаби — сифат борасида юқори даражага эришишдир. Бу коллективнинг ҳар бир аъзосидан ишга масъулият билан ёндошишни, ўз ишини қайта қуришни ва жадаллаштиришни тақозо этади.

Айни кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига бирлашма цехларида меҳнат беллашуви авжига чиқмоқда. Кўплаб потоклар «Юқори сифат потоги» деган фахрли номни олиш учун, юзлаб ишчилар эса шахсий тамға билан ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Юқори сифат потогида ишлаб, мусобақада пешқадамлик қилаётган Маҳмуда Зокирова бошлиқ бригада яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

— Бригадамиз аъзолари асосан комсомол-ёшлардан иборат, — дейди коллектив етакчиси М. Зокирова. — Биз комсомоллар жадаллаштириш ва қайта қуриш ишига, бирлашмамиз шарафини юксалтиришга ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бригадамизда ишга кеч қолувчилар, прогулчилар, брак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар мутлақо йўқ. Цехимизда ташкил этилган янгилик — «Сифат пости» маҳсулот сифатини яхшилашга жуда катта ёрдам бермоқда. Цехимизнинг илғор комсомол. паридан Матлуба Жабборова, Дилфуза Маннопова ва Гулнора Соатова ва бошқалар меҳнатда ибрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бригадамиз коллективи эса Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейига қадар йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда.

Ҳа, сифат — бош мезон. Буни чуқур ҳис этган бирлашма меҳнатчилари маҳсулот сифатини яхшилаш йўлидан дадил бормоқдалар.

И. ФАТТОҲОВ.



Эсон Баратов Тошкент агрегат заводида кўп йиллардан буён баракали меҳнат қилиб келмоқда. Коммунист ўзининг фидокорона меҳнати билан беш йиллик зарбдорлари сафидан ўрин олган. Эсон Баратов ўз устида тинмай ишлайди. Шунинг учун ҳам ремонтчи-слесарлик вазифасини аъло даражада уддалаб келмоқда, цехдаги дастгоҳларнинг бир маромда ишлашини таъминламоқда.

Э. Баратов жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. У Собир Раҳимов район Советининг депутати, цех партия группаси ташкилотчиси сифатида ҳам иш олиб боряпти.

СУРАТДА: Э. Баратов.

М. Нуриддинов фотоси.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИНИНГ ТЕКСТИ БМТДА ТАРҚАТИЛДИ

● НЬЮ-ЙОРК. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1987 йил 1 октябрь куни Мурманскда сўзлаган нутқининг ташқи сиёсатга оид қисми БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

КОБУЛДА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

● КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида «Ўзбекистон ССРда соғлиқни сақлаш» кўргазмаси очилди. Ранг-баранг панолар, плакатлар, диаграммалар, даволаш муассасаларининг макетлари, медицина асбоб-ускуналари Совет Иттифоқида инсоннинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида қандай ғамхўрлик қилинаётганлигидан далолат беради.

АДР жамоат соғлиқни сақлаш министри Ш. Баҳодир кўргазмада нутқ сўзлаб, у СССРнинг одамлар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги муваффақиятларини яққол намоён этади ва Совет-Афғон дўстлигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшганлиги, деб таъкидлади. Иттифоқи Афғонистон миллий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда кўрсатаётган ёрдами учун унга чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Кўрсатилаётган ортиқ медицина асбоб-ускуналари кўргазма ёпилгач, кейин Афғонистон Демократик Республикасига топширилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДА

● ҚОҲИРА. Ислом конференцияси ташкилоти Тель-Авив ишғол этган территорияларда яшаётган фаластинлик арабларга нисбатан Исроилнинг террорига қарши норозилик билдирди. МЕНА агентлигининг Жидда шаҳридан хабар қилишича, сешанба куни баёнот берган шу ташкилотнинг Бош секретари Шарифутдин Пирзода Исроилнинг фаластинлик араб халқига қарши ҳамма хил агрессияларини ҳамда босқинчилар Иордан дарёсининг ғарбий соҳили билан Ғазода қилаётган репрессияларни қаттиқ қоралади. Исроил экстремистлари арабларнинг Қудусдаги «Ал-Оқсо» масчитига қарши муносабати билан Исроил маъмурларининг бундай ҳаракатларни рағбатлантирмоқдалар, деди.

● ДЕҲЛИ. Совет кишиларининг ҳинд халқига нисбатан самимий қардошларча ғамхўрлик кўрсатаётган юксак даражада қадрланаётганлиги ҳақида Ҳиндистон Қизил Хоч жамиятининг Бош секретари Ажит Бхомик, У ССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи Ҳиндистонга юборган ёрдамининг биринчи туркумини бу ерда Ҳиндистон Қизил Крестига расмий топшириш маросимида сўзлади.

ЭРОН-ИРОҚ УРУШИ

● БАҒДОД. Ироқнинг қирувчи— бомбардимончи самолётлари Форс оролидан сал наридаги «денгиздаги катта нишонга» ҳужум қилиб, унга зарба берди. Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг вертолётлари ўтган суткада фронт линияси бўйлаб 27 марта жанговар учиш қилиб, душман қўшинларн йиғилган районларга зарбалар берди. Фронтнинг шимолий участкасида маҳаллий аҳамиятдаги жанглар давом этди, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида.


● НИКОСИЯ. Ирна агентлигининг хабар қилишича, ўтган суткада Эрон артиллерияси фронтнинг жанубий участкаларида душман қўшинларн жойлашган районларга шиддатли ўқ ёғдирган, унинг аскар ва техникасига анча зиён етказган.

Эрон ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари Хўрмузбўғозида 7 та чет эл савдо кемасини ушлаб, бу кемаларнинг юклари текширилган, уларнинг ҳаммасига рейс давом эттириш рухсат этилди.

АҚШ КОНСУЛЛИГИ БИНОСИДА ПОРТЛАШ

● МАДРИД. Барселона шаҳридаги АҚШ консулхонаси жойлашган бинода портлаш бўлди. Портлатиш қурилмаси бинонинг тўртинчи ва бешинчи қаватлари оралиғидаги зинапоя саҳнида ўрнатилган экан. Консуллик ходимлари эса шундан бир қават пастда эди. Дастлабки маълумотларга қараганда, камида 8 киши жароҳатланди. Полиция тергов ўтказмоқда.

Объективда—Туркия



СУРАТДА: Анталья шаҳри.

Е. Кунницин фотоси.

Ҳужумкор пропаганда

«ИДЕОЛОГИК ҚЎПОРУВЧИЛИКНИ ФОШ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМ, СОЦИАЛИЗМНИНГ РЕАЛ ЮТУҚЛАРИ, СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚҚОНИЙ АХБОРОТНИ ЕТКАЗИШ СОҲАСИДА ҲАМ ҲУЖУМКОРЛИК БЎЛИШИ КЕРАК».

(ҚПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан).

Тарихда шундай воқеалар борки, улар йиллар, замонлар ўтса-да ўз аҳамиятини сира йўқотмайди ва доимо тадқиқотчиларнинг диққат марказида турaверади. Тарих локомотивлари бўлмиш революциялар шундай воқеалар сарасига киради.

Бу революциялар қаторида XX асрнинг бош воқеаси бўлмиш Улуғ Октябрь социалистик революцияси алоҳида ўрин тутади. Америкалик тарихчи Ж. Биллингтон бу ҳақда жуда ифодали ёзган:

—Агар XIX асрдаги аллома учун марказий проблема француз революциясига ўз муносабатини кўрсатиш бўлса, замонавий киши учун эндиликда шундай проблема рус революциясини баҳолашдир. Чунки эндиликда ер куррасидаги миллиард одам ўзларини рус революцияси ворислари ва посбонлари деб эътироф қилишмоқда. 1917 йил тўнтариши ҳаракатга келтирган кучлар 1789 йилги француз революцияси туғдирган кучларга қараганда кучлироқ ва қудратлироқ ўзлигини намоён қилмоқда...

Шундай дея буржуа тарихчиси Октябрь революцияси сўзини «катта ҳарф билан ёзиш керак» деган хулосага келади.

Чет эллик тарихчилардан яна бири — Ж. Кеннан 1917 йил революциясини «жаҳон тарихи йўналишига, мустамлака системасининг емирилишига ва буюк халқлардан бирининг ҳаётига чуқур таъсир этган XX асрнинг буюк сиёсий воқеаси», деб атаган. Француз тарихчиси Ж. Дюше эса унга тўла ҳамоҳанг ҳолда коммунизм «инсоният тарихи йўналишини» ўзгартирганини тан олади.

Аммо тарихга холисона ёндошувчи бундай олимлар овози буржуа мафкураси тарғиботчиларининг катта карвонидаги антисовет ансамблида деярли ғарқ бўлиб кетади. Минглаб советшунослар ўз асарларида юзаки холислик ниқобида мафкуравий кураш тиғини биринчи галда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг моҳиятини бузиб кўрсатишга, унинг хусусиятлари ва жаҳоншумул аҳамиятини камситишга қаратадилар. Инглиз тарихчиси Э. Каррнинг «Большевиклар революцияси» уч томлиги, Л. Хаймсон таҳридаги «Меньшевизм тарихи», Д. Катковнинг «1917 йилдаги Россия Февраль революцияси», П. Аврихнинг «Рус анархистлариализм маддоҳлари зўр бериб ўз фикрларини мутлақ ҳақиқат сифатида кўрсатишга кучанадилар.

Инсоният тарихида янги саҳифа очган буюк инқилобимизга улар нима қилиб бўлса лой чаплаш, туҳмат тошини отиш йўлида вайсақилик қиладилар. Айниқса, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистондаги инқилоб масаласида улар ўзбекларнинг ундаги иштирокини рад қилишади.

Бу советшунослар «модернлаштириш» назариясига суянган ҳолда Улуғ Октябрь социалистик революцияси бирдан-бир сабабчиси сифатида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан қўшиб олинишининг объектив прогрессив аҳамиятини ҳамда инқилобий жараёндаги иштирокига доир тадқиқотларини шубҳа остига олади ва уларнинг хулосаларини рад қилишга уринади. Унинг маслакдошлари асарларида ҳам революция тарихи бузиб кўрсатилади.

АҚШ ва Ғарб ҳукмрон доираларининг диққати собиқ чор Россиясининг чекка ўлкалари, жумладан Ўрта Осиё республикаларига қаратилгани бежиз эмас. Бу қизиқиш Ўрта Осиё республикаларининг қўшни элларга бевосита таъсири билан изоҳланади. АҚШ ҳукумати Совет Ўрта Осиёсининг Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига ўтказаётган тобора кучли таъсиридан ташвишга тушмоқда. Бу халқлар, табиийки, аввалларн мустамлака бўлган ҳолда эндиликда руслар билан тенг ҳуқуққа эришган, сиёсий, социал ва иқтисодий жиҳатдан тараққиёт чўққилари томон дадил одимлаётган Совет Ўрта Осиёсининг уларга қондош халқлари тутган йўлга бепарво қараб туришмаяпти.

Шу ўринда 1944 йилда Тошкентга келган Америка дипломати Генрих А. Уоллес ва унинг ҳамроҳлари айтган фикрлар диққатга сазовордир. Генрих А. Уоллес «Совет Осиёсига ташриф» номли китобида Ўзбекистонни кўп миллатли Совет давлатининг тенг ҳуқуқли таркибий қисми эканлигини, бу ерда сиёсий, иқтисодий ёки социал жиҳатдан мустамлакачилик қарамлигидан нишона ҳам йўқлигини уқтириб ўтган эди. Бундан ташқари, у қўпчилик назарида қолоқ деб аталмиш халқлар назидда «Россия умуммаориф ва барчани иш билан таъминлашга асосланган иқтисодий демократия тимсоли» эканлигини ёзган эди. Унинг ҳамроҳи журналист Андрью Стейгер эса «Совет Ўрта Осиёси республикалари» деб номланган мақоласида бу ерлардаги турмуш шарт-шароитлари «Кўпдан бери Ғарб цивилизацияси таъсирида бўлган» қўшни Эрондагидан кўра кўп жиҳатдан юқорилигини тан олган. А. Стейгер «Совет Ўрта Осиёси республикалари халқлари қатори маҳаллий аҳолининг ҳамкорлик қилишга тайёр барча табақалари вакилларидан фойдаланиш каби миллий сиёсат принциплари омил бўлди.

Бугунда советшунослар эслаши лозим бўлган ҳақиқий эътирофлар шундай!!! Буни коммунизмга мутлақ дўст бўлмаган ўз ватандошлари айтишганига нима дейсиз?

Ҳа, ўзбек халқи ўзгалар фикри ва баҳосига муҳтож эмас. У рус биродарлари билан буюк инқилобни тайёрлади ва амалга оширди. У рус ишчилари ва солдатлари билан елкама-елка туриб, контрреволюцияга қарши жанг қилган содиқ фарзандлари Очил Бобожонов, Дўст Устабоев, Султонхўжа ва Акбархўжа Қосимхўжаевлар. Мирзааҳмад Мирходиев, Олим ва Ёдгор Раҳимов, Низомиддин Хўжаев, Мирком.ил Миршаропов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев каби инқилоб чавандозлари билан ҳақли суратда фахрланади. Ғоявий мухолифларимизнинг ўзбек халқининг революциядаги иштирокини камситувчи фикрларини улар тўққан қон рад этади. Шу ўринда революция қатнашчиси, таниқли партия ва совет арбобларидан бири Дмитрий Манжара (1885—1937) 1917 йил октябрь қуролли қўзғолонига раҳбар, ревком аъзоси сифатида қолдирган эсдаликларида битилган фикрлар ҳам гоят катта аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи ўз тарихида Октябрь революциясини чинакамига катта ҳарфлар билан битган, уни ўз қони ва тери билан ёзган!

Халқимиз ана шу Буюк инқилобимиз солномасига социализмнинг зафар сатрларини битмоқда. У сизларнинг ғаразли «меҳрибонлигингиз» ва насиҳатларингизга муҳтож эмас.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

ҚОН ВА ТЕР БИЛАН

АЛАҲСИРАШ ПУЧ ФИКРЛАР

Ашаддий қўпорувчи Рамазон Рахул «Ҳозирги замон Марказий Осиёси» номли китобида Совет давлатининг ислом динига бўлган муносабати тўғрисида қатор уйдирма ва бўҳтонлар тарқатади.

«1966 йилда, — деб ёзади у, — Москвада «Диннинг Шарқ халқларига таъсири» мавзусида конференция бўлди. Унда диннинг сиёсий ва иқтисодий муҳитни яратишдаги ўрни тўғри баҳоланмади».

Бу билан автор кенгашда айтилган сўнгги пайтда «Ислом Совет Ўрта Осиёсида халқнинг турмуш тарзидан анча четга чиқиб бораётганлиги ҳақидаги адолатли фикрлардан надоматлар чекади ва ўзини овунтириш учун «Лекин унинг (исломнинг) иқтисодий ва маданий аҳамияти олдингидай каттадир», дейди.

Бу фикр динга муккасидан кетган фанатик идеологнинг хомхаёли, холос. Чунки, ҳар қандай диннинг, бинобарин исломнинг жамият манфаатлари учун (капиталистлар мустасно) қандай иқтисодий ва маданий аҳамияти бўлиши мумкин? Мазкур фикр, дин бир тўда бойлар ва дин аҳиллари учунгина «иқтисодий ва маданий аҳамият» касб этишини кўрсатади, холос.

Ахир, «дин — халқ учун афюн» деганда буюк К. Маркс мутлақ ҳақ эди-ку. Шу боисдан ҳам дин табиий равишда «халқнинг турмуш тарзидан» ажралиб боради. Чунки у, халққа қорачақалик «иқтисодий ва маданий» наф келтирмайди, аксинча халқ онгини заҳарлайди.

Буржуа советшуносларининг иғвогарлик ва уйдирмачилик бобида донг таратган ғаламисларидан бири Фейга хоним Блехердир. У яқинда ўзининг «Совет хотин-қизлари онлада ва жамиятда» деган тадқиқотини яратди.

Бунда у Октябрь инқилобидан кейинги Ўрта Осиё хотин-қизларининг ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида фикр беради. У ўз «тадқиқоти»ни кўпроқ қачонлардир, қимлар томонидан айтилган фикрлар, юзаки фактлар асосида олиб боради.

У, 1938 йилда Лондонда нашр этилган немис ёзувчиси Фаннини Гелленинг «Совет Шарқида хотин-қизлар» номли китобидаги: «Ўрта Осиёдаги оқилона снёсат натижасида маҳаллий хотин-қизлар ичидан талантлар ўсиб чиқди: масалан, шоира Ойдин, артистка Тамарахоним, парашютчи Башорат Мирбобоева ва б». (13-б) деган ўша даврдаги адолатли фикрини такрорлаб, унга ночор қўшилади. Аммо у ўзбек хотин-қизларининг ҳозирги кундаги порлоқ ҳаёти, гражданлик позицияси, коммунистик жамиятнинг актив ва кўзга кўринган вакиллари эканликларини айтишга журъат эта олмайди.

Блехернинг фикрича, совет назариячилари хотин-қизлар масаласига нотўғри қарайдилар эмиш! «Улар хотин-қизларнинг кучи кўп ва ақли ҳам юқори дейдилар. Аслида эса уларнинг кучқуввати чегараланган», дейди.

Агар Фейга хоним ўз аёллик иффати, қадр-қимматини юқори қўйиб, фақат ўз ақли, ўз меҳнати билан донги жаҳон бўйлаб таралган ўзбек аёлларининг коммунистик жамият яратиб берган порлоқ ҳаётларини, уларнинг буюк инсон эканликларини озгина бўлса ҳам янги факт сифатида тилга олганида эди, унинг ғоявий-чалкаш «тадқиқоти» оз бўлса-да, янгилик билан бойирди .

Шу маънода у, 23 ёшида СССР халқ артисти номини олган, икки марта СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳалима Носирова, ўзбек миллий рақс санъатининг дарғаси, СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, ўзбек совет театр санъатининг алломаларидан бири, СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова, совет хореография санъатининг устаоддаларидан бири, СССР халқ артисти Ғалия Измайлова, машҳур опера санъаткори, СССР халқ артисти Саодат Қобулова, атоқли шоира, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия Исроилова, атоқли олималар — Муқаддам Ашрапова, Хосият Комилова, Назира Алиева каби минглаб озод ва ҳур ўзбек аёллари номини тилга олишни хаёлига ҳам келтирмаган. Бу илғор ўзбек знёлилари «Ҳужум» кампаниясининг яловбардорлари эди.

Эски фикрлар асосида янги хулоса чиқариш билан иш битмайди, Фейга хоним!

Ҳ. УЗОҚОВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

КЎРГАЗМАЛИ АГИТАЦИЯГА ЭЪТИБОР

Маълумки, кўргазмали сиёсий агитация омманн шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш, уларни янги марраларга чорлашда муҳим аҳамият касб этади. Октябрь район партия комитети бу соҳага эътиборни кучайтириб, кўргазмали сиёсий агитацияга доир ҳайкаллар, ёдгорлик лавҳалари ва бошқаларни аниқ ҳисобга олиш учун учёт карточкасини жорий этди.

Унда ёдгорликларнинг номи, уларнинг адреси, қачон ўрнатилгани, кимлар лойиҳалагани, уни кимлар бунёд этгани, таннархи ва уни сақлаш учун кимлар жавобгар эканлиги аниқ белгиланган. Шуниси характерлики, ёдгорликларнинг, кўргазмали агитация воситаларининг сурати олиниб, ана шу учёт карточкасига биркитиб қўйилмоқда.

Бундай иш юритиш кўргазмали сиёсий агитация воситаларига эътиборни кучайтиради, бу борада партия ташкилотларининг талабчанлигини оширади.

Калейдоскоп

ЗАҲАРЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

«Овқатланаётган ишшингизга заҳар солинган» — «Эвеман дю жеди» ҳафтаномаси ана шундай қўрқинчли сарлавҳа остида Францияда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини тадқиқ этиш натижаларини эълон қилди. Текшириш мамлакатнинг 2000 дан зиёд магазинларида ўтказилган эди. Мутахассисларнинг хулосалари ташвишлантиради. Ўртача олганда пазандалик маҳсулотларининг 8 процентга яқини истеъмол қилиш учун мутлақо яроқсиздир, учдан бир қисми эса санитария нормаларига жавоб бермайди.

РАШКЧИ ҚАБИЛА

Непалда «қирилиб кетган» деб ҳисобланган Рауте қабиласи мавжудлиги аниқланди. Мазкур қабила ҳатто Непал тўғрисидаги луғатларда ҳам тилга олинмайди. Ваҳоланки, яқинда непаллик этнограф Пурна Пракаш Ятри Ҳимолай тоғ этакларида яшовчи қабилалар ҳаётини ўрганган экан тасодифан рауте вакилларининг ғоррогоҳига дуч келиб қолди. Олим топган гуруҳдан юзга яқин киши мавжуд. Улар Ҳимолай тоғ этакларининг ғарбий ва ўрта қисмида кўчманчилик қилиб юришади, баъзан қишлоқлар яқинида пайдо бўлиб, ўзлари даражтлар ясаган буюмларни, турли ялдизлар ва доривор ўсимликларни болта, пичоқ ва озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштирадилар. Рауте қабиласига мансуб эркаклар ниҳоятда доюрак ва шу билан бирга, ҳаддан ташқари рашкчи ҳисобланади — вафосиз лиқда шубҳа қилинган аёлларни ниҳоятда қаттиқ жазолашади, деб гапирадилар олим.

ҚОРАҚАЛПОҒИМ-ҚАЛБИ ҚАЙНОҒИМ

НУР ҚАЛЪАСИ

Ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи юбилей йилида бизлар меҳнат қилаётган Тахиатош нур қалъаси ишга бошлаганига йигирма йил тўлади. Шу йиллар ичида станциямиз улкан меҳнат йўлини босиб ўтди. Дастлабки йиллари унинг қуввати 24 мегаватт бўлган бўлса, ҳозир суткасига 310 мегаватт электр қувватини ишлаб чиқаряпти, фақат Қорақалпоғистон эмас, балки қўшни Хоразм ва Тошовуз областларини ҳам Ильич нури билан таъминлаб турибди.

Тахиатошни интернационал дўстлик қалъаси деб атайдилар. Бунинг сабаби ГРЭСимиз қурилишида Ўзбекистоннинггина эмас, балки мамлакатимиз қардош республикаларининг ҳам корхоналари вакиллари актив қатнашди.

Бугунги кунда ГРЭСнинг цехларида мамлакатимизнинг йигирма миллат вакиллари бир оила аъзоларидек бўлиб юбилей вахтасида меҳнат қилмоқда. Шу йил ўтган тўққиз ой мобайнида корхонамиз 23 миллион 224 минг сўмлик электр энергия ишлаб чиқарди. Халқ хўжалиги учун бир миллиард 427 миллион 24 минг киловатт-соат электр энергияси етказиб берди. Энергетикларимиз Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейи арафасида 5-блокни синаб кўрмоқда. Станциямизнинг 5-цехи ишга тушиши билан 210 мегаваттга кўпаяди. Шундай қилиб халқ хўжалигини электр қувватига бўлган талабини янада тўлароқ таъминлаш имкониятига эга бўлади. Корхонада 1986 йилдан бошлаб ишнинг бригада формасига ўтилди. Натижада бекор туриш ҳолларига барҳам берилди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди, топширилган ишлар ва уларнинг унумдорлиги ошди, ремонт ишларининг сифати яхшиланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ҳамда июнь Пленумларининг қарорларидан кейин коллективимизда ишчи кадрларнинг роли янада ошди, сифатга катта эътибор бериладиган бўлди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга кенг эътибор берилди. Яқиндагина электр цехида мастер бўлиб ишлаб турган Жуманазир Сафаровни цех бошлиғи этиб сайладик. Автоматика цехи коллективи электрослесарь Муҳаммад Колпатовни мастерликка сайлади. Шундай қилиб коллективимиз яқинда ишга тушадиган 5-энергия блокда ишлаш учун яхши ишчи кадрларни танлаб олди.

Коллективимизда цехлар, бригадалар ва бўлимлар орасида юбилей олди социалистик мусобақа кенг ёйилган. Мусобақа якуни ой сайин чиқариб турилади. Бу беллашувда химия, электр цехи ҳам олдинда бормоқда.

Қозон-турбина цехининг катта машинисти Ж. Матёқубов, шу цехнинг ишчиси Г. Файзуллаев, 6-разрядли электромонтёр К. Абдухолиқов, химия лабораториясининг бошлиғи Л. Ималиева, слесарь А. Оринбосаров, катта машинист И. Борисов, электрослесарь Г. Трубниковлар энг яхши кўрсаткичлар билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

В. СУМКИН,
«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» номли Тахиатош ГРЭСи смена бошлиғи.

Нукус тарихини биласизми?

Ҳозирги Нукус ўрнида ўтган асрнинг 60 йилларида Нукус овули бўлган. Кейинчалик Нукус овулида хўжаликлар сони ортди. Подшо ҳукумати Қорақалпоғистонда мустамлакачилик сиёсатини юргизиб, унинг моддий ва табиий ресурсларини ўзлаштиришга интилди. Нукус овулида сув режимини назорат қилувчи гидрологик обсерватория қурилди. 1500 кишилик ҳарбий гарнизон ташкил қилинди. 1877 йили Нукусда биринчи рус-тузем мактаби очилди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасига келиб, Нукус овули Амударё ўнг соҳилидаги энг йирик аҳоли пунктларидан бирига айланди.

СОВЕТ ДАВРИДА

Шаҳар Совет ҳокимияти даврида янада тез ривожлана борди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг 1930 йили 12 ноябрда бўлиб ўтган бюро кенгаши Нукус овулини республика марказига айлантиришга қарор қилди.

Бу даврга қадар республиканинг пойтахти Тўрткўл шаҳрида эди, 1932 йил пойтахтни қуриш бошланди. 1939 йили республика маъмурияти Нукусга кўчиб ўтди.

МАДАНИЯТИ

Нукус — Қорақалпоғистон АССРнинг илм-фан, маданият ва соғлиқни сақлаш маркази. Нукусда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали жойлашган. Т. Шевченко номидаги Қорақалпоғистон Давлат педагогика институти, 14 та махсус билим юрти, 23 та умумий таълим мактаби, клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар бор.

Телевидениеси ўз программасидан ташқари Москва, Тошкент, Ашхобод программаларини ҳам олиб кўрсатади.

Нукус — Ўзбекистоннинг энг кўркам шаҳарларидан бири. 1965 йилда янги бош план тасдиқланди. Ҳозир пойтахт маркази қайта қурилмоқда. Эски бинолар ўрнига янги кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда.

Шуниси қувончлики, 1976 йили Иттифоқимизда 65-республикамизда учинчи университет иш бошлади. Бу ҳам бўлса Нукус Давлат университетидир.

Автоном республикада университет очилиши партия ва ҳукуматимизнинг коммунизм қураётган халқимизга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигининг ёрқин намунаси, ленинча миллий сиёсат тантанасининг амалдаги яна бир далили бўлди.

Дорилфунунда фундаментал ва гуманитар фанлар ўқитилиши кенг йўлга қўйилди.

Д. ОБЛАЕВ.





СУРАТЛАРДА: Чимбой районидаги У. Юсупов номидаги колхоз механизатори Ж. Айбўсинова; пахта даласидаги кўчма кутубхона.

И. Ким ва Б. Алашев фотолари.

НОМ ҚЎЙИШ

Ҳикоя

— Ассалому алайкум, янга? Саломатмисиз. Мана, яқиндан бери қўшнимиз. Сизнинг ёнингизга бир нарса сўрагани чиқдим.

— Кел, келақол қарағим. Тўрга чиқ.

Йигит жойлашиб ўтириб олди.

— Қани, айтабер, қулоғим сенда.

— Айтадиган бўлсам, мен қувонч билан юрибман.

— Қувончинг қайси? Шаҳардаги қассобми?

— Йўқ. Қувониб юрибман деяпман. Фарзандли бўлдим, ўғилли бўлдим.

— О, муборак бўлсин, болангни умри узоқ бўлсин. Қувонч билан юрибман деганингга қассоб гўшт-пўшт бериб юбордимми дебман. Ўнгмаган, ўзи кўзи тўймайди унинг. Нима иш билан кирдинг, айтавер.

— Хизматим арзимаган. Мен туғилган боламга ном қўймоқчиман. Аёлим метрика ол деб қистаб ётибди. Шунга тўғри сизни излаб келгандим.

— Ҳа-а, ном деганни бамаслаҳат қўйган дуруст. Қайнимов, ҳар бир боланинг оти ўтган умрингни эсга солсин. Мен ўзим эсимни таниганимдан бери дўконда ишлаб келаётирман. Шукур, бола-чақа бор. Катта қизимиз Шакархон дўконда ишлайди.

— Ким дединг?

— Шакар-дейман, Шакар. Шакар деган сўздан олганмиз. Сен биласанми, йўқми, балки кичкина бўлгандирсан, ўша йиллари қанд бир сирасига йўқ бўлиб кетди. Ўшанда жуда дўконда гумбирлаган вақтим. Фойданинг ҳаммаси шакар туфайли. Пештахтанинг остига қўйиб сотаман. Одамларга топиб берсанг бўлди, унча-мунча нарсанинг бетига қарашмайди, неча сўмга бўлса ҳам оларади. Катта қизим ўша йиллари туғилган эди, отини Шакар қўйганман.

— Шакар қўйдим денг-а?

— Ҳа-да, шакардан келган фойдаку бизни бой қилиб, эл қаторига қўшган. Шакар қўймай, бошқа нима қўямиз... Сенга бир чойнак чой дамласа бўларди. Коньякбой, ҳой Коньякбой!.. Акасининг кетидан кетганга ўхшайди.

— Йўқ, чой керакмас. Нима дединг, отини Қўноқбой дединг?

— Йўқ, Коньякбой дейман.

— Шунақа от бўлар экан-ми?

— Қўйсанг бўлаверади. Эсингдами, бир вақтда коньякнинг баҳоси арзон, ит пулидек эди. Ўша пайтда арақни уйга обкелиб қўйиб туни билан сотар эдик. Бир куни қарасанг, коньякнинг баҳоси қимматлаб кетди. Шунда ўтмай турган бир машина коньякни уйга келтириб, пулладик. Бошингни оғритиб нима қиламан, катта фойда кўрдик. Ўша йили боя акасининг кетидан кетган ўғлимиз туғилган эди. Отаси билан маслаҳатлашиб Коньякбой деб ном қўйганмиз. Эл-юрт нима деса деяверсин. Ҳой, Конфет, чиғоғимов, сен чой дамлаб келақол.

— Ким дединг, янга?

— Конфет дейман. Ҳа, нега ҳайрон бўласан?

— Бунақа отни умримда эшитмовдим.

— Эшитмасанг мана энди эшитасан. Ҳозир халқ жуда бойиб кетди, қарағим, қандга, шакарга унча иштаҳаси йўқ. Конфет тишлаб, чой ичади. Узинг биласан, яхши конфет магазинда бўлмайди. Лекин прилавканинг остида бор. Биз қўйиб қўямиз-да. Манави қизим конфетнинг бозори чаққон йиллари туғилган эди. Конфет қўйгандик.

— Вой-бў, янга, бу қизларингизнинг исмини роса қотирган экансиз. Энди бизнинг юмушни битиринг: қўлимни боғлатишга докторга боришим керак. Боламнинг отини нима деб қўяй?

— Қўлингга нима қилди?

— Куйиб қолди. Аёлим йўғинда товада овқат пиширдим, ушлашга нарса тополмай қўлим билан шартта ушлай қолувдим...

— Тўхта, тўхта ана от топилди-қолди. Болангнинг отини Тутқичбой қўйгин. Бўлди, бундан ортиқ ном тополмайсан!

— Тутқичбой? Қўйсангизчи Тутқичбойингизни. Бош фарзандимнинг номини бундай деб қўймайман.

— Нима деб қўясан? Касбинг нима ўзи?

— Менимми, хотинимникими?

— Ўзингни.

— Мен ОБХССда ишлайман.

— Вой-бў, унда болангни эмас, ўзингнинг отинг Тутқичбой экан. Ҳой-ҳой, нималар деб валдирадим-а, ўзи? Бутун сирларимни очиб қўйибманку! Нима бўлса ҳам қўшни эканмиз, мени ўз ҳолимга қўй, қарағим. Менга тегма энди. Боланг ўзига бир от топиб олар.

Аёл ялиниб-ёлвора бошлади. Бироқ энди фойдаси йўқ, ғишт қолипдан кўчган эди.

Қорақалпоқчадан
Темур УБАЙДУЛЛО таржимаси.

Олтмишбой СУЛТОНОВ,
Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Диллар пайванд

...Уч ёшлик вақтимда Петро — Александровский (ҳозирги Тўрткўл) қалъасига оиламиз кўчиб келган эди. Овул болалари билан ўйнаб ўсдим. Акам 1914 йил прапорщик хизматида гражданлар урушига кетди. Уйда Екатерина, Василий, Мария ва онам мен билан бешталамиз қолдик. Орадан йиллар ўтди. 1918 йили май ойида қизил гвардиячиларга қўшилиб Жунаидхон тўдаларига қарши курашда қатнашдим. Овулларни оралаб келиб душманларини қўлга тушириб, Ҳали эсимда: 1918 йил Нукус шаҳри жойлашган атроф қумлик-тошлик эди. Ҳозирги шаҳардаги республика комиссариатининг ўрнида 3 солдат казармаси бор эди. Атрофида беш-олти офицерлар уйи бўлар эди. Ундан сал нарироқда Каттағар канали оқиб турарди. Унда юк ташиш пароходлари сузиб юрарди.

Йиллар ўтди. 1930 йилларда сўнг Нукус шаҳрини қуриш ишлари бошланиб Куйбишев, Энгельс, Максим Горький кўчалари қурилиб битказилди. Шаҳарда ҳукумат уйи, педагогика институти, клуб, кутубхоналар пайдо бўлди. Мана ўшандан кейин қар ердан, овулларидан хўжаликлар кўчиб келиб яшай бошлашди. Шунда уларни қўшганда жами оила 100 хўжаликка бормас эди. 50 йил илгари Нукус шаҳрида аҳвол мана шундай эди. Ҳозир шаҳар бутунлай бошқача. Ярим аср ичида канчадан канча уй-жой бинолари қурилмади дейсиз! Тўққиз қаватли уй-жой бинолари, асфальтланган кенг кўчалар шаҳарга гўзаллик бахш этиб турибди. Шу яқин саккиз йил ичида 22, 23 ҳам 25-микрорайонлар пайдо бўлди.

Нукус—дўстлик шаҳри. Бу ерда мамлакатимизнинг 30 га яқин қардош миллат вакиллари бир оила аъзоларидек бўлиб завод, фабрикаларда умумий меҳнат қилмоқдалар. Мен ҳозир 84 ёшга кирдим. Қардош қорақалпоқ тупроғига қадам қўйганимга 80 йил бўлибди. Киндик қоним Россия тупроғида тўкилган бўлсада, болалигим шу ўлкада ўсиб унди. Демак ўзим рус бўлсамда юрагим, қалбим қорақалпоқ деб интилади. Ўтган йиллар, шаҳардаги ҳар бир кўчалар, ҳар бир воқеалар болалик йилларимни эслатиб туради менга. Мен қорақалпоқ элатининг қайси хонадонига бормайин, қайси овулга кирсам ҳам уйнинг тўри меники. Сут, қаймоқ, нон, туз билан кутиб олишади.

Кўнгли оқ қорақалпоқ ҳам ўз оғаси бўлган ўзбек қардошларимизни бизларни шундай бахтли кунга етказган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрами билан қутлайман.

К. ШКОЛИН,
1941 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари кавалери.

УЗОҚ ЎТМИШГА САЁҲАТ

Қорақалпоғистон АССР территориясида кўплаб қадимий обидалар, шунингдек тарихий ёдгорликларни кўриш мумкин.

СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистон АССР Фанлар академиясининг кичик илмий ходимлари Ғ. Хўжаниёзов ва К. Юсуповлар Жўмарт — Кацай тепалигида текшириш ишларини олиб боришмоқда.

И. Ким фотолари.



ВАТАН

Тулепберган МАТМУРОДОВ

Сен айру эмассан, сен менинг таним,
Бахш этгум ўзингга дилда боримни.
Сен менинг юрагим, сеники жоним,
Севаман сержилва дарёларингни.

Дарё каби тошқин муҳаббат билан,
О, азиз Ватаним, сени севаман!
Йўл очган булоқсан армоларимга,
Ленининг Ватани — менинг Ватаним.

Қўйнингда яшнаган ўрмонларингга
Асқар тоғларингга фидодир таним.
Асқар тоғи каби муҳаббат билан
О, азиз Ватаним, сени севаман!

Қудратли диёрим қучоқларингда
Чайқалган денгизинг нақадар кўркам.
Салқинни қувлаган туш чоғларингда,
Севаман ёп-ёруғ қуёшингни ҳам.

Қуёшдек ёп-ёруғ муҳаббат билан
О, азиз Ватаним, сени севаман!
Севаман, ҳамнафас Ленин наслини,
Чўлларда қулф урган чаманларингни.

Севаман, сендаги ҳар бир фаслни,
Тип-тиниқ, юлдузли осмонларингни,
Осмондай энг юксак муҳаббат билан,
О, азиз Ватаним, сени севаман!

Матен СЕЙТНИЯЗОВ

* * *

Бу умрнинг туб маъноси яшаш бўлса,
Унда мен ҳам қойил қилиб яшар эдим.
Кўринганни ҳом-хатала ошаш бўлса,
Ор-номусим пойингизга тўшар эдим.

Ўйлаб кўргил, бу умрнинг маъносини,
Бир амаллаб кун кечириш бўлмасин ҳеч.
Жавоб бергил ўз ишингга, қилмишингга,
Нопок излар билан йўлинг тўлмасин ҳеч.
Ана энди тушунарли бўлди менга
Шу тушунча узайтирар қўлларимни.
Ҳам нур бўлиб, ҳам куч бериб
билагимга,
Олға юрса ёритади йўлларимни.

Қорақалпоқчадан
Наримон ОРИФЖОНОВ таржималари.

ТУШИМДА

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОДОВ

... «Қовоқли ота»даги оқ сочли гўжум
Кўкда ўсиб турар, илдизида булутлар.
Қуёш алланарсадан юрак ҳовучлаб,
Чошгоҳда норастадай тўнғиб, қалтирар.

Булутлар ҳам қотиб қолди қоялар
янглиғ,
Ҳаво-муз, шамоллар-муз, довуллар ҳам
муз,
Ўчоқдаги ёлқинлар муз бўлиб қолди.

Сўзлар—муз, гаплар—муз, қўшиқлар
ҳам муз.
Сочимнинг толалари ёрилиб кетди.
Қалдирғочлар илиниб қолди осмонда...

Товушсиз бир наъра жаранглаб кетди,
Дарёларда, кўлларда, ҳатто тошларда...

Қорақалпоқчадан
Баҳром ҒОЙИБ таржимаси.

ОТАГА ЁРДАМ

Ўмирбек Лаққи саргузаштлари

Ўмирбекнинг отаси дўстларига ғаройиб воқеаларни гапириб беришни яхши кўрарди. У ғаройиботларни шундай қотириб ҳикоя қиларди, аста-секин ёлғонилардики, аста-секин ўзи ҳам ишона бошларди. Шунинг учун кўпинча ноқулай аҳволга тушиб қоларди.

Кунларнинг бирида қўнишқўшни ва дўстлар тўпланишиб, гурунглашиб ўтирардилар.

— Бергенбойнинг эски кўналғаси яқинида ер катта ўйилган, худди у ердан ладан суғуриб олинганга ўхшайди. Ўша нима экан-а?— деб сўраб қолди кимдир.

— Менга бир овчи гапириб берди, — деди Ўмирбекнинг отаси. — У ерда илгари кўл бўлган экан, аммо у осмонга учиб кетган. Овчининг ўзи кўрибди.

Ҳамма кулди.

— Мундай ўйласанг-чи, ахир, кўл қанақасига осмонга учиши мумкин? Бу чўпчак-ку!

— Кўл учмайди!

— Овчи лақиллатибди.

— Йўқ, мен овчига ишонаман, — ўз сўзида туриб олди Ўмирбекнинг отаси. — У ростгўй одам. Сира алдамайди.

Тортишув роса авжига минди ва даврадаги қариялар Ўмирбекнинг отасига шундай таклиф қилишди:

— Агар кўлнинг қандай учганини тушунтириб берсанг, ҳозироқ бир қўй сўйиб, яхшилаб палов билан сийлаймиз. Агар тушунтиролмасанг, сен палов қиласан.

Шунда Ўмирбек отасининг енгидан тортиб шивирлади:

— Ота, мен тушунтириб берайми?

Ота ўзида йўқ суюниб кетди ва деди:

— Майли, ўғлим тушунтириб бера қолсин. Қани, ўғлим, бизнинг чўлда кўлларнинг қандай учиб юришини ҳурматли меҳмонларга гапириб бер. Менга ишонмасликлари мумкин.

— Бу воқеа қишда бўлганди, — дея дангал гап бошлади Ўмирбек. — Ҳаво илиқ пайт эди. Тўсатдан қаёқдандир ўрдаклар пайдо бўлди. Ўрдаклар шунақанги кўп эдики, осмон кўринмай кетди. Кейин ўрдаклар учиб-учиб чарчашди ва кўлга қўнишди. Кечаси эса ўрдаклар ухлаб ётганда бирдан совуқ бошланди. Кўл саёз эди, сув тубигача музлади, ўрдакларнинг оёқлари музга маҳкам ёпишиб қолди. Ўрдаклар эрталаб уйғониб қарашса, учолмаяпти — муз қўймаяпти. Улар қуёш чиқиб муз эришини кутишлари мумкин эди, лекин шу пайт овчи келиб қолди. Ўрдаклар қўрқиб жон ҳолатда қанот қоқар, фойдаси йўқ эди. Овчи уларни тириклай тутмоқчи бўлди. Ўрдаклар бор кучлари билан осмонга интилардилар. Охири улар шундай куч билан осмонга отилдиларки, кўлнинг музини яхлит кўчириб учиб кетдилар. Ўрнида ўша ўйиқ қолди.

Шундай қилиб, Ўмирбекнинг отаси даврадагиларни ютди.

Ориф ФАРМОНОВ
тайёрлаган.

Қорақалпоқ мақоллари

- Саврсиз — ёз бўлмас, кўлсиз — гоз.
- Ботир олишмай — тенглашмас.
- Дард даволанса ҳам одат — одатлигича қолаверади.
- Номусли камбағал — беномус бойдан ортиқ.
- Туяни юк босар, одамни — виждон.
- Ўгри бойимас, хасис — семирмас.
- Ақл — дўст, газаб — душман.
- Ботир ўлса, иши қолар, доно ўлса — сўзи.
- Тоғни шамол қулатади, одамни туҳмат ўлдиради.
- Кўнгил ётмаган ишнинг — тугаши қийин.
- Сўз қадрин доно билар, Нодон-чун олтин сўз ҳам — чақа ўрнида.
- Ботирга таёқ ҳам — қурол.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ
тўплаган.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

19—25 ОКТЯБРЬ

МОСКВА ЭКРАНИДА ЎЗБЕКИСТОН

Бепоён мамлакатимизда қайта қуриш, жадаллаштириш кенг кўламда бораётган бир пайтда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам турмушнинг барча соҳаларида дадил қадам қўймоқдалар. Айниқса, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида халқ хўжалиги, фан ва маданиятда жўшқинлик кўзга ташланмоқда.

Бутуниттифоқ телевидениеси қутлуғ юбилей шарафига бағишлаб 20 октябрь куни биринчи программа орқали соат 19 дан 35 минут ўтганда намойиш этадиган махсус программасида ана шу ҳақда гап боради. Бу кўрсатув худди шу пайтда Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программасида ҳам намойиш этилади. Икки соат давом этадиган бу кўрсатувни «Ўзбектелефильм» студиясининг ижодий коллективи тайёрлади.

Кўрсатувда КПСС XXVII съезди қарорлари серқирра диёримизда амалга оширилаётганлиги, Ўзбекистон меҳнаткашларининг барча қардош республикалардаги биродарлари билан олиб бораётган дўстона алоқалар ҳақида фикр юритилади. Программани республика санъат усталари ва ёш санъаткорлар якунлайди. Томошабинлар «Ялла», «Баҳор», «Садо», «Лазги» ансамбллари иштирокида жозибали номерларни кўрадилар. Концертда Қорақалпоғистоннинг «Айқулаш», корейсларнинг «Чин-чун», крим татарларнинг «Хайтарма» ва уйғур санъаткорлари маҳоратларини намойиш этадилар.

ОКТЯБРЬ ТЕНГДОШЛАРИ

Ўзбекистон телевидениеси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб «Революция тенгдошлари» туркумидан бир қатор янги кўрсатувларни тайёрлади. Уларнинг биринчиси республикамиз маданияти ва санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Комил Яшиннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. 22 октябрь куни биринчи программа орқали соат 22 дан 05 минут ўтганда намойиш этиладиган бу кўрсатувни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Юсуф Султонов, филология фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматов олиб борадилар. Кўрсатувда маданият дарғаси ҳақидаги тарихий суратлар, кино лавҳалар ва «Нурхон» пьесасидан парчалар кўрсатилади.

Томошабинлар шундан кейин ёзувчининг «Инқилоб тонги» драмасини томоша қиладилар. Маълумки, бу спектакль Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг репертуаридан ўрин олган. Спектаклдаги бош ролларни моҳир санъаткорлар ижро этадилар.

Томошабинлар 23 октябрь куни соат 22 дан 05 минут ўтганда СССР халқ артисти Малик Қаюмовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўрсатувни томоша қилишлари мумкин. У Ўзбекистонда ҳужжатли кино санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган, Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимиз кинооператорлари сафида минглаб километр жанг майдонларини босиб ўтган ва минг-минглаб метр кинолентяларга ноёб жанг лавҳаларини муҳрлаган.

«СЕНИНГ ТАҚДИРИНГ»

Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри коллективи Улуғ Октябрь байрами арафасида ўз репертуарини яна бир янги саҳна асари билан бойитди. В. Багдасаров ва Исфандиёрнинг «Сенинг тақдиринг» пьесаси саҳналаштирилди. Икки қисмдан иборат бу психологик драмада ёшларнинг ахлоқи ҳақида фикр юритилади. Саҳна асаридаги бош ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева, артистлардан Исмоил Абдуллаев, Шуҳрат Зиёмуҳамедов, Сабибулла Абдуллаев ижро этмоқдалар. Янги саҳна асари 22 октябрь куни соат 11 да биринчи марта томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг «Билимлар уйи»да Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб қатор учрашувлар, суҳбатлар, турли тадбирлар тайёрланди. 21 октябрь куни соат 16 да «Ленинниинг иши барҳаёт ва ғалаба қилади» туркумидан суҳбат ўтказилади. 22 октябрь куни соат 18 да бўладиган яна бир муҳим мавзудаги суҳбат ҳам Улуғ Октябрга бағишланади. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Х. Аминова тингловчилар ҳузурида «Улуғ Октябрь Ўзбекистон халқларининг тарихида» деган мавзуда гапиради. Бу тадбир «Академик минбари» туркуми бўйича ташкил этилмоқда.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта опера ва балет театрининг бир группа санъаткорлари бугун эрталаб пойтахт областининг Коммунистик районидаги хўжаликларга жўнаб кетишди. Улар бепоён пахтазорларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилаётган аэматларга маданий хизмат кўрсатадилар.

А. ПЎЛАТОВ.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ

ҚЎЛГА ТУШДИ

▲ 1 сентябрь кундузи номаълум шахс Юнусобод массивининг 12-кварталида истиқомат қиладиган В. Шомовнинг квартираси эшигини синдириб, ичкарига кирган ва унинг ўн бир хил киймимини ўғирлаб кетган. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида «У» исмли гражданка қўлга олинди. У жиноятга дахлдор эканлигини тан олди.

▲ 27 августда Юнусобод массивининг 14-кварталида истиқомат қиладиган Л. Санжарованинг квартирасидан тилла ва биллур буюмлар, пул ўғирлаб кетилган эди. Киров район ички ишлар бўлими ходимларининг амалга оширган тадбирлари туфайли ҳеч қаерда ишламайдиган ва аввал бир неча марта судланган «И» исмли шахс қўлга олинди. У ўғирлик қилганини тан олди. Тергов ишлари бошланди.

▲ 7 август эрталаб номаълум шахс Юнусобод массивининг 18-кварталида истиқомат қиладиган В. Алимовнинг квартираси эшигини синдириб, ичкарига кирган ва унинг тилла буюмлари, «Полет» қўл соати, 500 сўм пулини ўғирлаб кетган. Зудлик билан ўтказилган текширишлар натижасида бир неча марта судланган «Б» исмли шахс қўлга олинди. Унинг жиноятга дахлдор эканлиги аниқланди. Тергов ишлари бошланди.

▲ 13 октябрь кечаси номаълум шахс «Ленинград» ресторанидаги официанка Ф. Омонованинг хизмат шкафидан бир кунлик тушган хизмат пулини ўғирлаб кетган. Патруль хизматининг ходимлари Давлатов ва Норматовлар ўтказган текширши натижасида «М» исмли гражданин қўлга олинди. Тергов ишлари бошланди.

▲ 2 сентябрь кечаси номаълум шахс Шифокорлар шаҳарчасидаги 31-уй олдидаги гаражнинг деворидан ошиб ичкарига тушган ва А. Цойнинг «К 03—10 ТН» рақамли «ГАЗ 21—063» автомашинасининг иккита ғилдирагини ўғирлаб кетган. Текширишлар натижасида бу жиноятга «М» исмли шахс жавобгар эканлиги аниқланди ва у қўлга олинди. Ўғирланган буюмлар эгасига қайтариб берилди.

ЎҒИРЛИК

▲ 12 октябрь соат 22.00да Чилонзор массивидаги 14-кварталда жойлашган 1-уй олдида номаълум шахс нукуслик Р. Оташевага тўсатдан ҳужум қилиб, қўлидаги сумкасини олиб қочиб кетган. Сумкада унинг пуллари, киймлари ва ҳужжатлари бўлган. Р. Оташева мияси жароҳатланган ҳолда шифохонага ётқизилди.

▲ 13 октябрь кечаси номаълум шахс Пролетар кўчаси бўйлаб бораётган С. Сафроновага тўсатдан ҳужум қилиб, унинг тилла кулонини олиб қочиб кетган.

▲ 11 октябрда номаълум шахс «Високовольт» массивида истиқомат қиладиган А. Башкатованинг квартираси эшигини қулфини бузиб, ичкарига кирган. Унинг «ВЭФ» радиоприёмниги ва уч процентли заём облигацияларини ўғирлаб, кетган.

▲ 11 октябрь кечаси номаълум шахс Юнусобод массивининг 11-кварталида истиқомат қиладиган Ж. Файзуллаевнинг «В—27—60 ТН» рақамли «ВАЗ—21 07» автомашинасининг олд ойнаси, техник паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномасини ўғирлаб кетган.

▲ 12 октябрь кундузи номаълум шахс «Қўйлиқ-5 Б» массивида истиқомат қиладиган М. Миралимовнинг квартираси эшигини синдириб ичкарига кирган ва унинг 1000 сўм пули ва киймларини ўғирлаб кетган.

▲ 13 октябрь кундузи номаълум шахс Ҳамид Олимжон майдонидаги уйлардан бирида истиқомат қиладиган А. Шеинанинг квартираси эшигини синдириб, унинг «Электроника—302» магнитофони ва 4 та кассетасини ўғирлаб кетган.

▲ 13 октябрь кечаси Муқимий кўчасида тўхтаб турган В. Марченконинг «36—67 ГНУ» рақамли «ВАЗ—21011» автомашинасидан Японияда тайёрланган магнитофон ўғирлаб кетилган.

ҚОТИЛЛИК

▲ 15 октябрь кечаси «Агроприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясидаги соқчилар хонаси ёнаётганлиги ҳақида хабар олинди. Ёнғин ўчирилгандан кейин хонада қоровул А. Таджиковнинг жасади топилди. Унинг кўкраги ва елкасига бир неча марта пичоқ санчилган эди. Зудлик ва сиичковлик билан ўтказилган текширишлар натижасида қотиллик учун айбдор бўлган уч шахс аниқланди ва қўлга олинди.

Маълум бўлишича, улар ўз жиноятларини яшириш мақсадида қоровулни ўлдиришган. Улар «Агроприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси омборхонаси томини тешиб, у ердан автомашиналарининг эҳтиёт қисмлари, дормантин рулонларини ўғирлашган. Уларнинг ҳаммасини «14—12 ТШН» рақамли «УАЗ—452» машинасига юклаб, кўздан ғойиб бўлишган. Машина Крупская номли санаторий олдидан топилди. Тергов ишлари давом этмоқда.

Узингиз учратган жиноятчилар, тартибсизликлар, уларга сабаб бўлган кишилар ҳақида 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонларни орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Ажойиботлар оламида

Меҳнаткаш одам хазинага йўлиқади

Халқ нақлида «Эрта тонгда турган одамнинг иши барака-ли бўлади» дейилади. Витебск областининг Глубокое шаҳри-да яшайдиган ҳайдовчи В. Побединский ана шу нақлининг тўғрилигига ўз тажрибасида яна бир бор иқрор бўлди.

Қурувчилар йўлларни кет-ма-кет кавлаб, наридан-бери ёпиб кетишаётгани учун уларни ким койимаган ахир? Виктор Викторович ташқарига чиқиб қараса иссиқлик трассасини кавлаган қурувчилар яна қўл учида ишлашиб, у ер бу ерда тупроқ уюмларини қолдириб кетишибди. Виктор қўлига белкурак олиб ерни текислай бошлади. Аввалига, бир шиша идиш ярқираб кўринганида унчалик эътибор бермади, лекин... кейин «вой-бў» деб юборди. Шиша ичида ялт-юлт этиб, олтин тангалар жилва қиларди...

Ҳайдовчи топган-тутганини район ички ишлар бўлимига олиб борди, у ерда шиша идиш ичидан илгари замонларда зарб қилинган 628 та олтин танга чиқди. Дастлабки экспертиза бу хазинани 117 минг сўмлик деб баҳолади. В. Побединский ҳам ўзига тегишли салмоқли улушни олади, албатта. Тасодиф туфайли шофёр шунча катта хазинани топди, тақдирнинг бундай совғаси бахтли тасодифгина бўлмаса керак. Зеро, бахт меҳнаткаш, тадбиркор, омилкор одамларга кулиб боқади.

К. СЕВЕРИНЕЦ,
ТАСС мухбири.

Минск.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА — 20/Х да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 20/Х да **Муқимий номидаги** ўзбек давлат музыкали драма театрида — 19/Х да **Узоқ қишлоқ.**

Кино

19 ОКТЯБРЬДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «СУВЛАРИНГ ЛОЙИҚАДАГАМ» (кичик зал, 17, 20.30); «ГАМ» (катта зал, 16, 19.

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ДОҚ» (жуфт соатларда).

Чайка — «БОББИ» (16.30, 21.00); «ҚУЛФБУЗАР» (19.15).

F. Ғулом номли — «НА ҲАТО» (20.00).

С. Раҳимов номли — «ЛАЖАК САРИ» (жуфт соатларда).

Восток — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (16, 18.30, 21.00).

Дружба — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (17, 20.30).

Тинчлик — «КУРЬЕР» (15, 21.00).

Ҳамза номли — «КАПИТАНКА» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ТОМОНДА, ҚЎЛДА» (тоқ соатларда).

Искра — «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КУЗ ЕШЛАРИ ОРОЛДАГИ ИККИ КИШИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Ватан — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Нукус — «ҲАҚИҚАТ, МУҲАББАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (17, 20.00).

Москва — «ПАРОМАД» (13.30, 18, 20.30); «ҚИЗ УЧРАШУВГА ШОШИЛМОҚДА» (16.00).

Қозоғистон — «ҚУЛФБУЗАР» (18.00); «ЧАККИ ЛАРАКИ» (16, 19, 20.00).

20 ОКТЯБРЬДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «СУВЛАРИНГ ЛОЙИҚАДАГАМ» (кичик зал, 11, 13, 17, 20.30); «САНГАМ» (катта зал, 12, 19.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ДОҚ» (жуфт соатларда).

Чайка — «БОББИ» (11, 16.30, 21.00); «ҚУЛФБУЗАР» (19.15).

F. Ғулом номли — «НА ҲАТО» (11, 14, 20.00).

С. Раҳимов номли — «ЛАЖАК САРИ» (жуфт соатларда).

Восток — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (11, 13.30, 16, 21.00).

Дружба — «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» (11, 14.10, 17, 20.30).

Тинчлик — «КУРЬЕР» (11, 15, 17, 19, 21.00).

Ҳамза номли — «ҚЎЛБЎЛАНКА» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ТОМОНДА, ҚЎЛДА» (тоқ соатларда).

Искра — «ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КУЗ ЕШЛАРИ ОРОЛДАГИ ИККИ КИШИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Ватан — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Нукус — «ҲАҚИҚАТ, МУҲАББАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (11, 17, 20.00).

Москва — «ПАРОМАД» (13.30, 18, 20.30); «ҚИЗ УЧРАШУВГА ШОШИЛМОҚДА» (16.00).

Қозоғистон — «ҚУЛФБУЗАР» (11, 18.00); «ВОНГ ХОНИНГ СИРЛАРИ» (10.30); «ЧАККИ ЛАРАКИ ДАККИ» (12, 13, 15, 19, 20.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРГИЧ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-33-67.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 44-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқармаси 33-37-11.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Округ офицерлар уйида халқаро шашка бўйича ўтказилган «Қизил чиннигул» Бутуниттифоқ аёллар турнири якунланди. «Правда Востока» газетасининг совриини учун ўтказилган бу турнирда киевлик Нина Янковская ва ригалик Зоя Увачан бир хил натижа кўрсатишди. Улар ўн уч имкониятдан тўққизтадан очко тўплашди. Жадвал коэффициенти яхшилиги туфайли биринчи ўринни Нина Янковская эгаллади. У турнирда бирон марта ҳам мағлубиятга учрамади, партияларни жуда чиройли ва ҳужумкор руҳда ўтказди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. У ҳозирги кунда энг тажрибали ва маҳоратли шашкачилардан бири ҳисобланади. Бунинг учун унинг мамлакат биринчилигида муваффақиятли қатнашиб чемпионлик унвонини қўлга киритганлиги, шунингдек жаҳон биринчилигида бешинчи ўринни эгаллаганлигини эслашнинг ўзи кифоя.

Иккинчи ўринни эгаллаган Зоя Увачан ҳам чиройли ўйин кўрсатди. У олти партиянн ғалаба билан якунлаб фақат бир партияда имкониятни бой берди.

Саккиз ярим очко тўплаган москвалик Елена Читайкина учинчи совриндор бўлди. У сўнгги турга қадар голиблик учун даъвогарлар сафида бораётган эди. Сўнгги учрашувда Елена Мартьянова билан очкони баҳам кўрганлиги туфайли учинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Елена Мартьянова ва Татьяна Финчук саккизтадан очко тўплашди. Е. Мартьянова бирон марта ҳам мағлубиятга учрамади. Т. Финчук эса мусобақаларнн мағлубиятга учраш билан бошлаган эди. Кейин ўзини қўлга олиб ҳужумкор ўйин кўрсата бошлади. Кетма-кет беш ғалабани қўлга киритди. Натижада фахрли бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Турнирнинг энг ёш қатнашчиси чирчиқлик Гавҳар Норбекова ҳам чиройли ўйин кўрсатди. У бирон марта ҳам мағлубиятга учрамади. Умумий якунда 7,5 очко тўплаб спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди.

Республикамизнинг бошқа вакиллари Фаина Будаева ва Ирина Мордухаевалар имкониятлари даражасида ўйин кўрсата олишмади. Ҳар ҳолда улар яна бир марта тажриба тўплашга муваффақ бўлишди.

Шундай қилиб Бутуниттифоқ аёллар турнири якунланди. Ғолиб ва совриндорларга мукофотлар топширилди. Қатнашчилар республика пойтахтидан илиқ туйғу билан жўнаб кетишди. Чунки уларни бу ерда яхши кутиб олишди. Мусобақалардан бўш кунларида шаҳримизнинг тарихий обидалари билан, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлишиб, амалга оширилаётган улкан ишлар билан таништидилар.

Р. АДОНЬЕВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИДА

24, 25 октябрь соат 12.00 да «АВТОРОДЕО-ВАЗ»

ВАЗ автомобилларининг ажойиб-гаройиб имкониятлари!

Ванкувер шаҳридаги (Канада) **жаҳон «ЭКСПО-86» кўргазмасининг қатнашчилари.**

АВТОКУРГАЗМАДАН СЎНГ СПОРТ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Билетлар отчопар кассаларида ва ташкилотларда билет тарқатувчилар томонидан сотилади.

Справкалар учун телефонлар: 76-43-60, 76-76-28.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

актёрлик вазифасига (уч эркак ва икки аёл)

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС ШАРТЛАРИ

Конкурсда қатнашувчилар олий театр маълумотига эга бўлиб 26 ёшдан ошмаган бўлишлари керак. Эркаклар ҳарбий хизматни ўтаган бўлишлари лозим.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: конкурс жюриси номига ариза, иккита 13х18 форматдаги фотосурат, олий ўқув юртини битирганлиги ҳақидаги дипломнинг нусхаси, яшаб турган жойидан справка.

АРИЗАЛАР 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Театр манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 34-уй.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

Хор артистлари ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА **КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Конкурсга махсус музика маълумотига ёки ҳаваскорлик ишларида камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган 35 ёшгача бўлган эркаклар, 30 ёшгача бўлган аёллар қўйилади.

Барча саволлар юзасидан ҳар куни, душанбадан ташқари соат 10 дан 15.00 гача мурожаат қилинсин.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ **бўлимлар бўйича**

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим (фан кандидати) — амалий математика;

кичик илмий ходим — математик статистика.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 29-уй.

Янгийўл медицина техникуми томонидан **Мирзаев Тўланбой Мирзаевич** номига берилган 741463 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1987-1988 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА КАМИДА 2 ЙИЛ МЕҲНАТ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАЁТГАН МАЪЛУМОТЛИ ИЛҒОР ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР, АЛОҚА ХОДИМЛАРИ, ПИОНЕРВОЖАТИЙЛАР ВА ССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАНЛАР. ҲАМДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ(завод, комбинат, фирма), ҚУРИЛИШ, ИДОРА, АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, МАКТАБЛАР ВА ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ ЙЎЛЛАНМАСИ БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар меҳнат стажининг охирга бир йили йўлланма берган ташкилотда узлуксиз бўлиши керак (шогирдлик стажи бунга кирмайди).

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИНГ I КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

1984-1985 ўқув йилидан бошлаб институт «Чет тили» (ўзбек мактаблари учун «Рус тили ва адабиёти»дан қўшимча мутахассислиги билан бирга) мутахассислар тайёрлаяпти.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим бўлади: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Суҳбат 20 ноябрдан 25 ноябргача давом этади.
ҚАБУЛ ҚИЛИШ 28 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.
Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.
МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, 162-хона. Тайёрлов бўлими қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНА ҲЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

КЕЧКИ ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга халқ хўжалиги тармоқларида ишлаётган, камида икки йил ишлаб чиқариш стажига эга бўлган кишилар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мактаблар, колхозлар ва совхозларнинг йўлланмалари билан, шунингдек ССР Қуролли Кучлари сафларидан хизмат бурчини ўтаб қайтган ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмалари билан қабул қилинади.

Ёшларни танлаш ва тайёрлов курсларига юбориш корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг меҳнат коллективлари умумий йиғилишларининг қарорлари ва мактабларнинг партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари кафолатига кўра амалга оширилади.

ТЕХНИКУМДА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМ ФОРМАСИГА КЎРА МЕҲМОНХОНА ҲЎЖАЛИГИ ВА БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ.

Техникум директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), тайёрлов курсига йўлланма, иш жойи ёки ҳарбий қисмдан характеристика, меҳнат дафтарчасидан нусха (печать билан тасдиқланган), 6 дона фотосурат (3х4), медицина справкаси (086/У форма),

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 20 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Зарурат сезганларга ётоқхонадан жой бернлади.

Адрес: 700102, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Спутник, 10-квартал, 63 «а» уй (58, 99-автобусларнинг «Техникум» бекати). Телефон 58-38-85.

Мутахассислар диққатига!



«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИГА ҚАРАШЛИ

21-«ТЕХНИКА КИТОБЛАРИ» МАГАЗИНИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ОИД ҚУЙИДАГИ АДАБИЁТЛАРНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ю. В. Зайцев. Заводда тайёрланадиган қурилиш конструкциялари. М. «Висшая школа». 1987 йил. Баҳоси — 1 сўм 40 тийин.

Ю. И. Королев. Қурувчилар учун чизмакашлик. М. «Висшая школа». 1987 йил. Баҳоси — 0-55 тийин.

В. А. Киселев. Қурилиш механикаси. Умумий курс. Ўқув қўлланмаси. М. Стройиздат. 1986 йил. Баҳоси 1 сўм 90 тийин.

Л. М. Маковский. Шаҳар ер ости транспорти иншоотлари. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. М. Стройиздат. 1985 йил. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Минорали кран ёш машинисти справочниги. М. «Висшая школа», 1985 йил. Баҳоси 0-60 тийин.

Биноларда ва турар-жой районларида шовқинни пасайтириш (Г. Л. Осипов. Е. Я. Юдин). М. Стройиздат. 1987 йил. Баҳоси 4 сўм 10 тийин.

Ю. С. Стандровский ва бошқалар. Девор сиртини синтетик материаллар билан қошинлаш технологияси. М. «Висшая школа» 1987 йил. Баҳоси — 0-50 тийин.

В. С. Полковников ва бошқалар. Лифтларни монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш. Ўрта ҳунар-техника билим юртлари учун дарслик. М. «Висшая школа», 1987 йил. Баҳоси — 0-55 тийин.

А. Г. Сотников. Ўзгарувчан ҳаво сарфловчи кондиционерлар ва вентиляция системалари. Л. Стройиздат. 1984 йил. Баҳоси—0-60 тийин. СНиП IV-15 Илова. Бинолар ва тармоқлараро иншоотлар қурилиши учун прейскурант. Сув таъминоти ва канализация бинолари ҳамда иншоотлари қурилиши учун прейскурант. 3 нашр. М. Стройиздат. 1986 йил. Баҳоси — 2 сўм 60 тийин.

СНиП IV-4. Илова. Материаллар, буюмлар ва конструкцияларга ўртача район смета баҳолари тўпламига қўшимча. 3 нашр. М. Стройиздат. 1987 йил. Баҳоси 1 сўм 10 тийин.

СНиП IV-14. Илова. Йириклаштирилган смета нормалари тўпламлари. Ишлаб чиқариш объектларининг ички санитария-техника қурилмалари. 4-1 тўплами. Трубопроводлар. Ҳавони мўътадиллаш марказий системасининг асбоб-ускуналари. КИП ва автоматика. Ҳаво иссиқлик минтақаси. М. Стройиздат. 1987 йил. Баҳоси —0-95 тийин.

СНиП 1, 04, 03-85. Қурилиш муддатлари ва корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида танаффус нормалари. М. Стройиздат. 1987 йил. Баҳоси—3 сўм 90 тийин.

В. А. Смирнов ва бошқалар. Қурилиш механикаси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М. Стройиздат. 1984 йил. Баҳоси — 1 сўм 10 тийин.

ГЕОЛОГИЯГА ОИД АДАБИЁТЛАР:

Н. А. Гвоздецкий ва бошқалар. СССРнинг физик географияси. Осиё қисми. Студентлар учун дарслик. М. «Висшая школа» 1987 йил. Баҳоси — 1 сўм 50 тийин.

Об-ҳавони узоқ муддатли ва ўта шошилинч прогнозлаш. Муаммолар ва истиқболлар. М. «Мир» 1987 йил. Баҳоси 2 сўм 80 тийин.

Р. Ж. Жонстон. География ва географлар. М. «Прогресс». 1987 йил. Баҳоси — 1 сўм 90 тийин.

Чет эл мамлакатларининг географик номлари луғати. М. «Недра», 1986 йил. Баҳоси — 3 сўм.

К. А. Самншчев. Хариталарни лойиҳалаштириш ва тузиш. М. МГУ нашриёти. 1987 йил. Баҳоси — 0-85 тийин.

Л. И. Марушвили. А дан Я гача пайеографик луғат. «Мисль». 1985 йил. Баҳоси — 2 сўм 20 тийин.

Қазилма энергетика ресурслари бўйича қисқача терминологик луғат. М. «Недра». 1985 йил. Баҳоси — 2 сўм 20 тийин.

З. С. Ханмов. Олий геодезия асослари, М. «Недра», 1984 йил. Баҳоси — 1 сўм 10 тийин.

Г. Г. Чуянов. Намсизлантириш, чангни тутиб қолиш ва атроф муҳит муҳофазаси. Олий ўқув юртлари учун. М. «Недра», 1987 йил. Баҳоси — 0-90 тийин.

Г. Штрюбель, З. Х. Циммер. Минералогия луғати. М. «Недра», 1987 йил. Баҳоси — 3 сўм 60 тийин.

СИЗЛАРНИ МАГАЗИНИМИЗГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси. 43-уй. Телефон 55-87-95.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

27 ОКТЯБРДАН

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУНГА БАҒИШЛАБ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
27 октябрда — МУҚАДДИМА.
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
27 октябрда — ОИЛА.
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
27 октябрда — ОТА УЙИ.
«ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
27 октябрда — ОДДИЙ ШОН-ШУҲРАТ.
«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
27 октябрда — ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ.
«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
27 октябрда — ҲАЁТ ЯХШИЛИКДАН БОШЛАНАДИ.

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

Қизлар диққатига!

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

8 ЁКИ 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИГА ПРОПИСКА ҚИЛИНГАН 17-25 ЁШДАГИ ҚИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Бу ерда Сиз этика, эстетика, психология фанларидан билим оласиз, малакали сотувчи кўникмасини ҳосил қиласиз.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати 5 ва 6 ой.

Ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ ЁКИ КОНТРОЛЁР-КАССИР МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ. УЛАР ТОШКЕНТ САВДО КОРХОНАЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР: директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, мактабдан ёки охирги иш жойидан характеристика, иккита 6х9 см. ва иккита 3х4 ҳажмли фотосурат.

Мактаб-магазин адреси: Тошкент, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй (20, 34, 41, 50, 70, 75, 79, 87, 182, 187, 189-автобуслар, 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати. Метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 10.00 ДАН 19.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.


«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Тоза, сифатли, шошилинч!

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ЯНГИ 14-ФИЛИАЛИДА СИЗГА АНА ШУНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШАДИ.

БУ ЕРДА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ МУМКИН:

Ўз-ўзига хизмат усулида кир ювиш;
24 соат ичида киймларни кимёвий тозалаш.
Бу ерда ўрнатилган янги моделлардаги машиналар кир ювиш ёки тозалаш ишларини аъло даражада бажаради.





СИЗЛАРНИ УШБУ АДРЕСДА КУТАМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 3-ҚОРАСУВ МАССИВИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-54; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-35; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р 13028

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2490. Тираж — 75 131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.